

Бизларким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан “**ISTIQBOL HAMKOR SAVDO MCHJ**” номидан низом асосида ишловчи **Р.Эгамбердиев** келгусида «**Таъминотчи**» деб номланади ва иккинчи томондан Избоскан туман мактабгача таълим бўлими номидан низом асосида ишловчи Н.Қобилова унинг раҳбари келгусида «**Истеъмолчи**» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 «**Таъминотчи**» ўзига тегишли бўлган ва келишилган куйидаги молларни етказиб беради, «**Истеъмолчи**» эса ушбу молларни қабул қилиб олиб ҳисоб - китоб қилади.

1.2. Товарнинг номи, миқдори ва нархи куйидагича :

(сўмда)

№	Маҳсулот номи	Лот №	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Гуруч		кг	4475	900	4027500
2	Перловка		кг	117	4500	526500
3	Нухот ёрмаси		кг	117	6000	702000
4	Гречка		кг	117	12000	1404000
5	Манни ёрмаси		кг	100	6000	600000
6	Макарон		кг	135	5000	675000
7	Шакар		кг	485	8800	4268000
8	Чой (кора)		кг	10	24000	240000
9	Томат		кг	81	14000	1134000
10	Ун 1-нав		кг	235	3000	705000
11	Сариёғ 82,5 %		кг	260	35000	9100000
12	Усимлик ёғи		кг	138	16000	2208000
13	Ош тузи		кг	60	1000	60000
14	Мевали повдило		кг	106	12000	1272000
15	Мол гушти			1205	65000	78325000
Жами :				7641	xxx	105247000.0

Шартноманинг умумий суммаси : 105247000,0 (Бир юз беш миллион икки юз қирқ етти минг) сўм.

Шундан бюджет маблағлари ҳисобидан : 105247000,0 (Бир юз беш миллион икки юз қирқ етти минг) сўм.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан: _____ (_____) сўм.

2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган товар маҳсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификатидан ўтказилган бўлиши лозим.

3. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ- КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Ҳисоб китоб «**Истеъмолчи**» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик бўлини масидан рўйхатдан ўтиб, бюджет маблағлари ҳисобидан бўлса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарори билан белгиланган тўловлар кетма-кетлигига, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бўлса шахсий ҳисоб варағдаги қолдиққа асосан 5 банк иш кунда «**Истеъмолчи**» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасини 30 % изини олдиндан аванс тариқасида «**Таъминотчи**» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Қолган охириги 70 % изини 3.2 банддаги шартларга асосан «**Таъминотчи**» томонидан етказиб берилган маҳсулотларни тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралари асосида маблағ 5 банк иш кунда ўтказиб беради.

3.4. «**Истеъмолчи**» томонидан 30 % олдиндан амалга оширилгандан сўнг «**Таъминотчи**» 10 банк иш кунни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти гигиена талабларига жавоб берадиган, маҳсулотларни «**Истеъмолчи**» га етказиб беради.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «**Таъминотчи**» куйидаги ҳуқуқларга эга.

- Етказиб берилган товар маҳсулоти олдиндан ҳақ тўлаши ва тегишли қонун ҳаражатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилишни бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртмага мувофиқ етказиб берилган товар маҳсулотини қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилиши зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «**Таъминотчи**» куйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар маҳсулотини мазкур шартномага асосан ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5. бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида етказиб бериш;

- Агар товар маҳсулотини етказиб борувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйган бўлса бюджет ташкилотнинг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул бартараф этиш, алмаштириш;

4.3. «**Истеъмолчи**» нинг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

Етказиб берувчидан мазкур шартнома асосида бериладиган буюртмага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар маҳсулотини етказиб беришини талаб қилиш,

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

4.4. «**Истеъмолчи**» мажбуриятлари :

- Ўз буюртмаси буйича етказиб берилган товар маҳсулотини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

Қўриб чиққан юрист: XAMDAMOV ABDULLA MAXAMMADJON O'G'LI. Ҳужжат рақами: НО7421645256

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 5.1. Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган ҳисобланади.
- 5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қуйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 5.3. «Истеъмолчи» нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 5.4. «Истеъмолчи» муддатлари бузилган ҳолда етказиб берилган товар махсулотини қабул қилишни рад этишга ҳақли.
- 5.5. Етказиб берилган товар махсулот бевосита «Истеъмолчи» нинг маъсул ходими томонидан ҳисоб фактура асосида қабул қилинади.
- 5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Истеъмолчи»нинг буюртмасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.
- 5.7. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товар махсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»нинг буюртманомасида кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 – кун олдин хабардор қилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Етказиб бериладиган товар-махсулоти сифати, миқдори «Таъминотчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундириш ҳоллари аниқланган тақдирда «Таъминотчи» етказиб берилаётган товар махсулотининг сифатини шунингдек миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Истеъмолчи»га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 % миқдорида жарима тўлайди.
- 6.2. Агар етказиб берилган товар махсулотнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларга намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган товар махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.
- 6.3. Товар- махсулотини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган хир бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдоридда пеня тўлайди. Бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар махсулот қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 6.4. Етказиб берилган товар махсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Истеъмолчи» «Таъминотчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 6.5. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқоролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

7. ФОРС - МАЖОР

- 7.1. Томонларга боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлар буйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларгаб: ёнгин, сув тошқини, ер кимирлаши ва бошқа табиий офатлар харбий ҳаракатлар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.
- 7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қойдага кўра мустақил равишда улар судгача хал этиш чораларини қўради.
- 8.2. Томонларнинг келишмовчиликлари ва низолари 8.1 банд бўйича хал этилмаса, бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.
- 8.3. Шартнома шартлари бузилиб, ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида иктисодий суд орқали хал қилинади.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

- 9.1. Агарда бир томондан шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати миқдори ва суммаси тўғрисидаги ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади.
- 9.2. Форс можор ҳолатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.
- 9.3. Шартнома томонлар имзолаб, тегишли ҳудудий Ҳазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.
- 9.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқ жихатидан тенг кучли ҳисобланади.

10. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛҲОҲЛАРИ.

« Етказиб берувчи »

“Истеъмолчи”

«ISTIQBOL HAMKOR SAVDO MCHJ»

МФО: 00045 , СТИР: 303893232

Ҳисоб рақами: 20208000600607653001

Банк Номи « Агробанк избоскан филиали »

Манзили: Избоскан туман Истикбол МФЙ

Тел: +998916002509

Избоскан туман мактабгача таълим бўлими

Манзил: Избоскан туман Пойтуғ шаҳар Накшбанд куча

Банк маълумотлари: х/р : 2340 2000 3001 0000 1010

х/р: 100022860032147091100251024

СТИР: 305158448

МФО: 92400

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш

Тел: +998996020079

Рахбар: _____

Р.Эгамбердиев

Рахбар:



Н . Қобилова